

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ТЎГАРАК ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ-2015

Муаллиф: **Ў.Расулов** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази тўғарак раҳбари

Такризчилар: **Р.Шоабдурасулова**-Республика рассомчилик коллежи кафедра мудири

Н.Шомансурова - “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази директор ўринбосари

Ушбу тўғарак ўқув дастури “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Услубий кенгашининг 2015 йил 28 августдаги 3-сонли Услубий кенгаш йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ТЎГАРАК ДАСТУРИ

КИРИШ.

Ёш авлодга бадий таълим-тарбия беришда тасвирий санъат муҳим аҳамиятга эгадир. Теварак-атроф, борлиқни эстетик жиҳатдан идрок этиш ва ўрганишда тасвирий санъат турларининг (қаламтасвир, рангтасвир, композиция, графика, ҳайкалтарошлик, халқ миллий амалий санъати ва ҳ.к) моҳияти каттадир. Тасвирий санъатнинг бу турлари бўйича тўғарак аъзоларига чуқурроқ билим бериш жараёни эса мактабдан ташқари таълим муассасаларида амалга оширилади ва ўз навбатида уларга нафосат тарбияси бериш муаммосининг муваффақиятли ҳал этилишида савияли мутахассисларнинг етарли бўлиши талаб этилади.

Тўғарак фаолиятининг асосий мақсади - тўғарак аъзоларининг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг ички оламини, дунёқарашларини, орзуларини қоғозда акс эттиришга ўргатишдан иборат.

“Тасвирий санъат” тўғарагига 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлар жалб қилинади.

Ушбу тўғарак ўқув дастурида кўрсатилган ўқув режалар ҳудуднинг ва тўғаракларга жалб қилинган болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тўғарак раҳбарлари томонидан 25 фоизгача ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ТЎГАРАГИ ЎҚУВ РЕЖАСИ (6 ёшли болалар учун)

№	Мавзулар	Назарий соат	Амалий соат	Жами соат
1	Кириш. Болаларда ранглар жилоси асосида мевалар чизиш усуллари	1	3	4
2	Қоғоздан қуш яшаш ва уни ранглар билан безаш (кимни ясаган қуши узоққа учади? ўйин асосида)		2	2
3	Копток асосида айлана чизиш. Айлана нима?	1	3	4
4	Қўл панжалари асосида рангларга ботириб кимни қўлари катта ўйин асосида қоғозга чизиш	1	2	3
5	Рангларни қоғозга сачратиб бир-бирига ёпиб тасаввурни кучайтириш. (ўйин асосида)	1	9	10
6	Қора қаламда бўяш, чизиш ва ўчириш. (ким тез ва тўқ бўяйди ўйини асосида)	1	2	3
7	Олма шаклини чизиш ва ранглардан	1	2	3

	фойдаланиш усуллари.			
8	Энг ширин узум қайси ва уни шаклини чизиш ва бўяш усуллари.	1	2	3
9	Оралик назорат иши		2	2
10	Қуёш шаклини қандай тасаввур этиш ва расмини чизиш	1	9	10
11	Бекинмачоқ ўйнаш ва дарахт орқасига бекиниш шу дарахтни шакли ҳақида суҳбат ўтказиш ва тасвирини чизиш	1	7	8
12	Эртақлар асосида болалар билан суҳбат ва тасаввур асосида расм чизиш.	1	7	8
13	Табиатга саёҳат, ранглар асосида қоғозга тушуриш ва чизиш.	1	9	10
14	Якуний назорат иши		2	2
Жами		11	61	72

1. Кириш. Болаларда ранглар жилоси асосида мевалар чизиш усуллари.

Тўғаракнинг мақсад ва вазифалари. Техника хавфсизлиги қоидалари. Болаларда ранглар жилоси асосида мевалар чизиш усуллари.

Амалий машғулотлар: Болаларда ранглар жилоси асосида мевалар чизиш.

2. Қоғоздан қуш ясаш ва уни ранглар билан безаш (кимни ясаган қуши узоққа учадиган? ўйин асосида).

Қоғоздан қуш ясаш ва уни ранглар билан безаш усуллари.

Амалий машғулотлар: Қоғоздан қуш ясаш ва уни ранглар билан безаш (кимни ясаган қуши узоққа учадиган? ўйин асосида).

3. Копток асосида айлана чизиш. Айлана нима?

Копток асосида айлана чизиш усули. Айлана нима?

Амалий машғулотлар: Копток асосида айлана чизиш.

4. Қўл панжалари асосида рангларга ботириб кимни қўллари катта ўйин асосида қоғозга чизиш.

Қўл панжалари асосида рангларга ботириб кимни қўллари катта ўйин асосида қоғозга чизиш тартиби.

Амалий машғулотлар: Қўл панжалари асосида рангларга ботириб кимни қўллари катта ўйин асосида қоғозга чизиш.

5. Рангларни қоғозга сачратиб бир-бирига ёпиб тасаввурни кучайтириш. (ўйин асосида)

Рангларни қоғозга сачратиб бир-бирига ёпиб тасаввурни кучайтириш усули.

Амалий машғулотлар: Рангларни қоғозга сачратиб бир-бирига ёпиб тасаввурни кучайтириш. (ўйин асосида)

6. Қора қаламда бўяш, чизиш ва ўчириш. (ким тез ва тўқ бўйяди ўйини асосида)

Қора қаламда бўяш, чизиш ва ўчириш тартиби.

Амалий машғулотлар: Қора қаламда бўяш, чизиш ва ўчириш. (ким тез ва тўқ бўяйди ўйини асосида)

7. Олма шаклини чизиш ва қандай ранглардан фойдаланиш усуллари.

Олма шаклини чизиш ва қандай ранглардан фойдаланиш усуллари.

Амалий машғулотлар: Олма шаклини чизиш.

8. Энг ширин узум қайси ва уни шаклини чизиш ва бўяш усуллари.

Энг ширин узум шаклини чизиш ва бўяш усуллари.

Амалий машғулотлар: Энг ширин узум қайси? Уни шаклини чизиш ва бўяш.

9. Оралиқ назорат иши.

10. Қуёш шаклини қандай тасаввур этиш ва расмини чизиш.

Қуёш шакли, унни қандай тасаввур этиш ва расмини чизиш усули.

Амалий машғулотлар: Қуёш расмини чизиш.

11. Бекинмачоқ ўйнаш ва дарахт орқасига бекиниш шу дарахтни шакли ҳақида суҳбат ўтказиш ва тасвирини чизиш.

Бекинмачоқ ўйнаш ва дарахт орқасига бекиниш ўйини тартиби. Шу дарахтни шакли ҳақида суҳбат ўтказиш.

Амалий машғулотлар: Бекинмачоқ ўйнаш ва дарахт орқасига бекиниш. Дарахт тасвирини чизиш.

12. Эртақлар асосида болалар билан суҳбат ва тасаввур асосида расм чизиш.

Эртақларни тасаввур асосида чизиш усули.

Амалий машғулотлар: Эртақлар асосида болалар билан суҳбат ва тасаввур асосида расм чизиш.

13. Табиатга саёҳат, ранглар асосида қоғозга тушуриш ва чизиш.

Табиатни ранглар асосида қоғозга тушуриш ва чизиш тартиби.

Амалий машғулотлар: Табиатга саёҳат, ранглар асосида қоғозга тушуриш ва чизиш.

14. Якуний назорат иши.

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ТЎГАРАГИНИНГ БИРИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ РЕЖАСИ

№	Мавзулар	Назарий соат	Амалий соат	Жами соат
1	Кириш	2		2
2	“Мен ёзни қандай ўтказдим?” мавзусида расм ишлаш	2	7	9
3	Қаламтасвир ҳамда ранг тасвир ҳақида умумий маълумотлар. Штрих, чизиқ, ёруғ-соялар.	1	3	4
4	Оддий геометрик шакллардан доира, квадрат, тўғри тўртбурчак ва учбурчаклар тасвирини чизиш ҳамда штрихлаш.		6	6
5	Ясси предметлардан дафтар, китоб муковаси, йўл белгилари, тут, терак барглариининг расмини чизиш		6	6
6	Оддий гипс (куб, уч, тўрт, бешбурчакли пирамида , конус, цилиндр, уч, беш ва олти бурчакли призма, параллелепед, шар) сиртлар.	1	14	15
7	Куб иборат қўйилма расмини чизиш	1	5	6
8	Пирамида ва параллелепед расмини чизиш	1	8	9
9	Уй рўзгор буюмларидан иборат натюрморт қўйилмаси расмини чизиш.	3	12	12
10	Рангтасвир ҳақида умумий тушунча	1	8	9
11	Оддий буюмлар ва нарсаларнинг рангтасвирини босқичлар асосида ишлаш	1	8	9
12	Цилиндр ва конусдан иборат қўйилмани гризайл усулида ишлаш	1	8	9
13	Пирамида ва кубнинг тасвирини гризайл усулида ишлаш	1	2	3
14	Оралик назорат иши		3	3
15	Пирамида ва кубнинг тасвирини гризайл усулида ишлаш		6	6
16	Капалакнинг рангтасвирини ишлаш.	1	8	9
17	Гуллаган дарахт шохчасининг рангтасвирини ишлаш	1	5	6
18	Гултувакдаги гулларнинг ўзига қараб ранг тасвирини ишлаш	1	8	9
19	Чойнак ва пиёладан ташкил топган натюрморт рангтасвирини ишлаш	1	8	9

20	Композиция, унинг элементлари ва уларни ҳосил бўлиши	1	8	9
21	“Куз неъматлари” мавзусида натюрморт ишлаш	1	11	12
22	“Уч оғайни ботирлар” эртагига иллюстрация ишлаш	1	8	9
23	“Спорт мусобақаси” мавзусида расм ишлаш	1	8	9
24	“Эртаклар оламига саёҳат”. Ким қайси эртакни ёқтиради?	1	8	9
25	“Ҳайвонот боғига саёҳат” мавзусида расм ишлаш	1	8	9
26	Эркин мавзуда композиция тузиш	1	11	12
27	Ўқувчиларнинг ишларини кўргазмага тайёрлаш		4	4
28	Якуний назорат иши		2	2
Жами		23	193	216

1.Кириш.

Тасвирий санъат тарихи. Тасвирий санаътнинг буюк намоёндалари ҳақида. Тўғаракнинг мақсад ва вазифалари. Техника хавфсизлиги қоидалари.

Рассомлар. Тасвирий санъат турлари ва жанрлари. Асарлардан намуналар кўрсатиш.

2. “Мен ёзни қандай ўтказдим?” мавзусида расм ишлаш.

“Мен ёзни қандай ўтказдим?” мавзусида расм ишлаш тартиби. Танланган мавзунинг мазмунини янада тўлиқроқ беришда муҳим бўлган ифодали восита, характерли ҳолатлар ва характерли кўринишлар. Тўғарак аъзолари ишлаган ва таниқли рассомларнинг ёз фасли тасвирланган тасвирий санъат асарларидан, композицияни тузиш босқичлари.

Амалий машғулот: “Мен ёзни қандай ўтказдим?” мавзусида расм чизиш.

3. Қаламтасвир ҳамда ранг тасвир ҳақида умумий маълумотлар. Штрих, чизик, ёруғ-соялар.

Қаламтасвир ва ранг тасвир ҳамда композиция. Штрих, чизик, ёруғ-соялар. Қаламтасвир ва уни ишлаш босқичлари. Штрих, чизик ёруғ-соя. Қаламтасвир ишлаш жараёни. Иш қуролларидан фойдаланиш. қаламтасвир намуналари ёки уларнинг иллюстрациялари.

Амалий машғулот: Қаламтасвир ҳамда ранг тасвир йўналишида расм чизиш. Штрих, чизик, ёруғ-соялар.

4. Оддий геометрик шакллардан доира, квадрат, тўғри тўртбурчак ва учбурчаклар тасвирини чизиш ҳамда штрихлаш.

Оддий геометрик шакллар. Доира, квадрат, тўғри тўртбурчак ва учбурчаклар. Уларни тузилишига кўра штрихлаш усули. Юзалар сиртини

тик, ётиқ ва қия чизиқлар билан штрихлаш усули. Сийрак, тиғиз ва қуюқ кўринишларда штрихлаш орқали натура сиртининг шаклини, ҳажмдорлигини ифодалай олиш тартиби.

Амалий машғулот: Доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчакли шаклга эга бўлган содда предметлар (доира, барабан, стол юзаси, дўппи, уйнинг бурчаги ва шу кабилар) ни ўзига қараб, расмини чизиш ва штрихлаб бўяш.

5. Ясси предметлардан дафтар, китоб муқоваси, йўл белгилари, тут, терак баргларининг расмини чизиш.

Ясси предметлардан дафтар, китоб муқоваси, йўл белгилари, тут, терак барглари

нинг расмини чизиш. Тартиби. Уларнинг характерли тузилишларига кўра штрихлаш орқали маконда тутган ўрни, ҳолати ва ҳажмдорлигини ифодалай олишга ўргатиш.

6. Оддий гипс (куб, уч, тўрт, беш бурчакли пирамида, конус, цилиндр, уч, беш ва олти бурчакли призма, параллелипипед, шар) сиртлар.

Бир неча гипс предметлардан содда ва мураккаб кўринишдаги қўйилмалар ҳосил қилиш йўллари. Уларнинг тузилиши ҳақида тушунча бериш ва қалам тасвирини ишлаш.

Амалий машғулот: Оддий гипс (куб, уч, тўрт, беш бурчакли пирамида, конус, цилиндр, уч, беш ва олти бурчакли призма, параллелипипед, шар) сиртларнинг тасвирини ўзига қараб ишлаш.

7. Куб иборат қўйилма расмини чизиш.

Куб ва цилиндрнинг ўзига хос тузилишига кўра штрихлаш усуллари. Геометрик сирт юзасидаги турли ёруғ- соялар, ялтироқ жойларини штрихлаш ёрдамида ифодалаш йўллари.

Амалий машғулот: Геометрик сиртларнинг ўзаро уйғун кўринишидаги ҳолатини танлаш ва қаламтасвирини ишлаш. Қўйилмани қоғоз юзасида тўғри жойлаштириш ва унинг маконида жойлашган ҳолатини тўғри ифодалаш.

8. Пирамида ва параллелипипед расмини чизиш.

Пирамида ва параллелипипед расмини чизиш тартиби.

Амалий машғулот: Сирти тўғри чизиқлардан иборат бўлган геометрик шаклларнинг ўзига қараб расмини чизиш. Ўзаро ёнма-ён турган сиртларнинг характерига кўра штрихлаш ва ёруғ-сояликларини тўғри ифодалаш. Штрихларнинг ифодалиликларига эришиш.

9. Уй рўзгор буюмларидан иборат натюрморт қўйилмаси расмини чизиш.

Уй рўзгор буюмларининг характерли кўринишларини қаламда сийрак ва тиғиз штрихлаш орқали ёруғ-сояларини тасвирлаш усули.

Амалий машғулот: Ўлчам жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган предметларнинг ўзаро нисбатларини тўғри топиш. Тушувчи ва хусусий сояларнинг ўзаро фарқ қилувчи жиҳатларини топиш. Уй рўзгор

буюмларининг характерли кўринишларини қаламда сийрак ва тигиз штрихлаш орқали ёруғ-сояларини тасвирлаш.

10. Рангтасвир ҳақида умумий тушунча.

Рангтасвир ҳақида тушунча. Рангшунослик ранглар ва унинг номлари, туслари ҳамда унинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти. Ранг туслари ва уларнинг ҳосил бўлиши, ранг халқаси, рангларни аралаштириш устида машқлар. Ахроматик ва хроматик ранглар.

Амалий машғулот: Акварел, гуаш бўёқлари, темпера, пастел билан расм ишлаш. Рангтасвир композиция ишларини бажариш жараёнида асосий ва ҳосила ранглардан фойдаланиш.

11. Оддий буюмлар ва нарсаларнинг рангтасвирини босқичлар асосида ишлаш.

Оддий буюмлар ва нарсаларнинг (кружка, чойнак, пиёла барг ва дарахт шохчаси) рангтасвирини босқичлар асосида ишлаш тартиби.

Амалий машғулот: Оддий буюмлар (кружка, чойнак, пиёла барг ва дарахт шохчаси)нинг ўзига хос таъсирчанлик воситаларини ранг туслари ёрдамида тасвирлаш. Натуранинг тузилишларини тўғри топиш ва шаклга мос ранг суртмалари (мазокларда) ифодалаш. Қўйилманинг рангтасвирини босқичлар асосида бажариш.

12. Цилиндр ва конусдан иборат қўйилмани гризайл усулида ишлаш.

“Гризайл” усули. Бир рангнинг хилма-хил тусларини сув билан аралаштириш орқали топиш усули.

Амалий машғулот: Натурадаги ранг тусларининг ёруғ ва соя жиҳатлари, тусларни оч ёки тўқ кўринишда бўяш. Геометрик сирт юзасидаги оч ва тўқ жойларни акварелнинг қора ёки тўқ зангори туслари ёрдамида бўяш. Турли шаклдаги кўринишларга эга бўлган предметлар сиртини бир рангнинг бир неча хил туслари ёрдамида ифода қилиш.

13, 15. Пирамида ва кубнинг тасвирини гризайл усулида ишлаш.

Тўғри чизиқли ясси сиртларга эга бўлган геометрик шаклларнинг томонларини оч ва тўқ ранг туслари ёрдамида ифодалаш. Пирамида ва кубнинг тасвирини гризайл усулида ишлаш усули.

Амалий машғулот: Ёруғ ва соя жойлардаги ўзига хос рефлекслар ва уларни ифодалаш. Пирамида ва кубнинг тасвирини гризайл усулида ишлаш.

14. Оралик назорат иши.

16. Капалакнинг рангтасвирини ишлаш.

Илиқ ва совуқ ранглар, оч ва тўқ ранг туслари, ҳосила (яъни икки хил ранг тусини аралашувидан ҳосил бўлган) ранглар ҳақида тушунча бериш. Капалакнинг рангтасвирини ишлаш тартиби.

Амалий машғулот: Декоратив капалакни “Спектр ранглари” ёрдамида бўяш. Турли ранг тусларининг бир-бирларига силлиқ ўтишлари ва ўзаро аралаштиришлари.

17. Гуллаган дарахт шохчасининг рангтасвирини ишлаш.

Илиқ ва совуқ ҳамда ахроматик ранг тусларининг ўзаро боғлиқлиги.

Амалий машғулот: Дарахт шохчаси ва гулларининг қаламтасвирини босқичлар асосида чизиш ва уни бўяш.

18. Гултувакдаги гулларнинг ўзига қараб ранг тасвирини ишлаш.

Турли шакллардан ташкил топган натуранинг ўзига хос жиҳатларини тасвирий санъат қонун қоидаларига кўра тасвирлаш усули.

Амалий машғулот: Гулдон ва гулларга хос бўлган ранг тусларини топиб бўйаш. Орқа планни умумлаштирган ҳолда тасвирлаш. Гултувакдаги гулларнинг ўзига қараб ранг тасвирини ишлаш.

19. Чойнак ва пиёладан ташкил топган натюрморт рангтасвирини ишлаш.

Чойнак ва пиёладан ташкил топган натюрморт рангтасвирини ишлаш усули. Шакли жиҳатидан турлича бўлган натураларнинг ўзига хос жиҳатларини тўғри топишни ўргатиш.

Амалий машғулот: Ранг туслари ёрдамида ҳар бир предметнинг ҳажмдорлигини тўғри ифодалаш. Оқ ранг тусига эга бўлган натураларнинг бир-бирларидан фарқини оч ва тўқ туслар ёрдамида фарқини сездира олиш. Чойнак ва пиёладан ташкил топган натюрморт рангтасвирини ишлаш.

20. Композиция, унинг элементлари ва уларни ҳосил бўлиши.

Композиция нима? Унинг асосий вазифаси. Композиция элементлари ва улардан самарали фойдаланиш. Рассомларнинг асарларидаги ўзига хос композиция ва уларнинг шарҳи. Композиция тузиш қоидалари. Композиция маркази, ритм, мослик ва ўзаро нисбатлар, мувозанат.

Амалий машғулот: Содда ва мураккаб композициялар тузишга оид назарий (танланган натураларни ўзаро жойларини ўзгартириш орқали) ва амалий (қалам рангтасвир асосида) хомаки расмлар ишлаш.

21. “Куз неъматлари” мавзусида натюрморт ишлаш.

Сахий куз ва бу фаслда пишиб етиладиган ноз-неъматлар. Сабзавот ва меваларнинг турлари, уларнинг тузилиши ва ранг туслари ҳақида тушунча бериш. Қўйилмани қоғоз юзасида тўғри жойлаштириш ҳақида назари ва амалий тушунчалар бериш.

Амалий машғулот: Натурани ўзига қараб расмини чизиш ва бўйаш. Илик ва совуқ ранг тусларининг ўзига хос боғлиқликларидан самарали фойдаланиш. Натурани қоғознинг тўрт томонига (юқори, паст, ўнг, чап) ва композиция марказига кўра тўғри жойлаштириш.

22. “Уч оғайни ботирлар” эртагига иллюстрация ишлаш.

Эртак мазмунидаги энг характерли жойларни тўғри белгилаш ва айнан ана шу воқеа-ҳодисани чизган расмларда акс эттириш. Композицион марказ.

Амалий машғулот: Оч ва тўқ ранг туслари, қорамтир ранг тусларидан ўз ўрнида ва тушунган ҳолда фойдаланиш. Уч оғайни ботирлар, аждарҳо, ўрмон, подшо саройи ва шу кабиларни тарихий ва афсонавий тарзда ифодалай олиш.

23. “Спорт мусобақаси” мавзусида расм ишлаш.

Жисмоний ҳаракат акс этган композиция рангтасвирини ишлаш тартиби.

Амалий машғулот: Спорт мусобақалари ва унинг ўзига хос жиҳатлари, инсоннинг ҳаракатдаги гавдасини, қўл ва оёқлар, тананинг ҳаракатга мос равишдаги характерли ҳолатларини дастлаб қаламда, сўнг ранг туслари ёрдамида ифодалаш. Танланган спорт турига мос равишда қоғоз ўлчами ва ҳолатини тўғри танлаш, илиқ ва совуқ ранг туслари ёрдамида ҳаракатнинг

йўналишини кўрсатиш. Спорт кийим-кечаклари ва анжомларининг хомаки қаламтасвирлари ва рангламаларини ишлаш. Улар асосида яхлит композиция тузишни машқ қилиш. Композиция маркази ва мувозанатини тўғри танлаш орқали спортчининг ҳаракат йўналишини аниқ тасвирлаш.

24. “Эртақлар оламига саёҳат”. Ким қайси эртақни ёқтиради?

Қадимий, тарихий ва афсонавий кўринишларни ҳосил қилишда ранг тусларининг аҳамияти. Эртақлардаги салбий ва ижобий қаҳрамонларни, композиция марказини ифодалашда ранг туслари, орқа ва олд планлилик, ранглар қарама-қаршилиги.

Амалий машғулот: Эртақларни сеҳрли олами. Эртақларнинг мавзуси ва танланган воқеа-ҳодисалар мазмунига кўра енгил, тиниқ ва тўқ ранг тусларидан тўғри фойдаланиш.

25. “Ҳайвонот боғига саёҳат” мавзусида расм ишлаш.

Бўйи катта ва кичик бўлган ҳайвонлар тасвирини қоғоз юзасида яқин ёки узоқда жойлаштириш орқали суратда тасвирланаётган маконнинг чуқурлилик хусусиятини ифодалаш.

Амалий машғулот: Ҳайвонот боғига саёҳат жараёнида айрим ҳайвонларнинг характерли ҳолатларини хомаки расм тарзида чизиш. Ҳайвонларнинг характерига мос келадиган ҳолатлар, ранг туслари ва композицион кўринишларни тўғри танлаш. Танланган ёввойи ҳайвоннинг характерли ҳолатига кўра қоғоз ҳолатини тик ёки ётиқ қўйиш. Оч ва тўқ ранг тусларидан олд, орқа ва ўрта планлиликларни тасвирлашда ҳаво перспективасидан тўғри фойдаланиш.

26. Эркин мавзуда композиция тузиш.

Бирор мавзу танлаш. Унга композиция тузиш тартиби.

Амалий машғулот: Танланган мавзунинг қисқача мазмуни оид дастлабки хомаки расмларни чизиш. Мавзунинг мазмунини янада бойитиш устида самарали ишлаш. Амалий равишда айрим қўшимча деталлар, объектлар, образлар киритиш.

27. Ўқувчиларнинг ишларини кўргазмага тайёрлаш.

Ўқув йили давомида тайёрланган барча расмларни кўргазмага тайёрлаш. Картон оддий оқ қоғозлардан расмлар учун чорчўплар (рамкалар) тайёрлаш.

28. Якуний назорат иши.

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ТЎГАРАГИ ИККИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ РЕЖАСИ

№	Мавзулар	Назарий соат	Амалий соат	Жами соат
1	Кириш. Қаламтасвир ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш.	3		3
2	Турли ҳашоратлар ва жониворларнинг (капалак, ниначи, аквариумдаги балиқлар) қаламтасвирини ишлаш.	1	8	9
3	Гипсдан ясалган геометрик шакллардан тузилган (пирамида, цилиндр, конус) қўйилманинг қаламтасвирини ишлаш.	1	11	12
4	Уй-рўзгор буюмларидан ташкил топган натюрмортнинг қаламтасвирини ишлаш.	1	8	9
5	Гипсдан ясалаган геометрик шакллар (куб, призма, шар, конусни) ўзига қараб расмини ишлаш	1	8	9
6	Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини қаламда чизиш	1	8	9
7	Рангтасвир ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш. Содда кўринишлардаги предметлар ва натуралар (содда тузилишдаги капалак, гултувак, гуллар ва ҳ..) нинг хомаки рангтасвирларини ишлаш.	1	8	9
8	Турли ҳашоратлар ва жониворлар (хонқизи, капалак, ниначи, декоратив балиқлар)нинг ранг тасвирини ишлаш.	1	8	9
9	Сувли бўёқлар ёрдамида ранг тусларининг оч ҳамда тўқ кўринишларини ҳосил қилиш ва декоратив панжарлар расмини гризайл усулида бўйаш	1	8	9
10	Уй-рўзгор буюмларидан ташкил топган натюрмортнинг рангтасвирини ишлаш.	1	8	9
11	Акварелда қоғоз сиртини “ҳўллаш” усулида ранг тасвир ишлашни машқ қилиш (“Алла прима” методи)	1	8	9
12	Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини акварел бўёқларида ишлаш.	1	2	3
13	Оралиқ назорат иши		3	3
14	Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини акварел бўёқларида ишлаш.		6	6

15	Чекланган ранглар билан рангтасвир ишлаш	1	8	9
16	Ранг тусларига кўра бир-биридан кескин (контраст) фарқ қиладиган буюмлардан тузилган натюрморт (мис обдаста, чинни чойнак, пиёла, пичоқ ва нон)	1	8	9
17	Композиция ҳақида умумий тушунча. Берилган мавзуга кўра композиция мазмунини яратишни машқ қилиш.	1	8	9
18	“Кузги ишлар” мавзуси асосида илиқ калоритда расм ишлаш	1	8	9
19	“Ўқувчининг иш ўрни” мавзусида расм ишлаш	1	5	6
20	“Авазхон”, “Рустамхон”, “Алпомиш” дostonлари ёки ўзбек халқ эртагига иллюстрация ишлаш	1	8	9
21	Эркин мавзуда расм ишлаш		6	6
22	“Қиш эртаги” мавзусида (совуқ колоритда) расм ишлаш.	1	8	9
23	“Янги йил базми” мавзусида композиция ишлаш	1	8	9
24	“Наврўзнинг байрам қилиниши” мавзусида композиция ишлаш	1	8	9
25	“Баҳор” манзарасини ишлаш	1	8	9
26	Тарихий мавзуларда композиция ишлаш	1	5	6
27	Ўқувчилар ишлаган расмларни кўргазмага тайёрлаш		6	6
28	Якуний назорат иши		3	3
Жами		25	191	216

1. Кириш.

Тўғаракнинг мақсад ва вазифалари. Техника хавфсизлиги қоидалари. Қаламтасвир билан ишлашнинг янги усуллари, (яъни айлана ва думалоқ натураларнинг ассиметрик натураларнинг расмини чизишда эса векторлар ўтказиш) дан фойдаланиш ва унинг тасвирий имкониттлари ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш.

Амалий машғулот: Содда кўринишлардаги предметларнинг (пиёла, қошиқ, чойнак, лаган, коса, шиша банка, сабзавот ҳамда мевалар ва ҳок..) хомаки расмларини чизиш ва турли усулларда (қия, тик, ётиқ ва узук-узук) штрихлаш. Чизиш жараёнида қаламни секин ва мқаттиқ босиш орқали тўқ ва оч штрихлаш усуллари амалий равишда тушунтириш. Буюмларни катта-кичиклигига кўра қоғоз юзасида тўғри жойлаштира олиш малакаларини ривожлантириш.

2. Турли хашоратлар ва жониворларнинг (капалак, ниначи, аквариумдаги балиқлар) қаламтасвирини ишлаш.

Тўғарак аъзоларининг турли ҳашоратлар, жониворларнинг шакллари уларнинг ўзига хос тузилишлари борасидаги тушунчаларини амалий ва назарий жиҳатдан бойитиш. Ёрдамчи чизиқларни қўллаш орқали ҳашоратлар ва жониворларнинг тасвирини чизиш усуллари тушунтириш. Учувчи ва сузувчи ҳашоратлар, балиқлар ва шу қабилар ҳақидаги назарий ва амалий тушунчаларни ривожлантириш.

Амалий машғулот: Ёрдамчи чизиқларни қўллаш орқали ҳашоратлар ва жониворларнинг тасвирини чизиш.

3. Гипсдан ясалган геометрик шакллардан тузилган (пирамида, цилиндр, конус) қўйилманинг қалам-тасвирини ишлаш.

Тузилиши тўғри ва қия кўринишларда бўлган геометрик шаклларни чизиш босқичлари ва маълум тартиб асосида штрихлаш усуллари борасида назарий ва амалий тушунчалар бериш. Гипс шаклининг қирралари ва ёруғлик нурунининг тушиш бурчагига кўра штрихлаш усулини танлаш тартиби. Уч хил кўринишлардаги сиртлардан иборат бўлган предметлар ва шар ўртасидаги боғлиқликни штрихлаш ёрдамида ифодалай олиш йўллари, мураккаб кўринишдаги натуранинг қаламтасвирини ишлашга ўргатиш.

Амалий машғулот: Гипс шаклининг қирралари ва ёруғлик нурунининг тушиш бурчагига кўра штрихлаш усулини танлаш. Геометрик шаклларни ишлаш. Пирамида, цилиндр, конусдан иборат қўйилмани турли ҳолатларда жойлаштириш орқали чиройли кўринишни ҳосил қилиш.

4. Уй-рўзғор буюмларидан ташкил топган натюрморт қалам тасвирини ишлаш.

Уй-рўзғор буюмлари, улардан талаблар даражасида қўйилма тузиш ва қаламтасвирини ишлаш босқичларини тушунтириш. Қўйилманинг эни ёки бўйига кўра қоғоз юзасига жойлаштириш йўллари хонадаги расмини чизиш орқали машқ қилиш. Танланган буюмларнинг материални қаламни қоғоз сиртига қаттиқ ёки секин босиб, штрихлаш орқали ифодалаш малакаларини ўстириш. Буюмнинг тузилиши ва шаклига кўра штрихлар йўналишини танлаш. Уларни амалий равишда бажаришни тушунтириш. Гипс ва турли материаллардан ясалган буюмларни оч, сийрак, тўқ, тигиз, штрихлаш орқали бир-биридан фарқи ва материални ифодалай олиш.

Амалий машғулот: Уй-рўзғор буюмлари, улардан талаблар даражасида қўйилма тузиш ва қаламтасвирини ишлаш.

5. Гипсдан ясалаган геометрик шакллар (куб, призма, шар, конусни) ўзига қараб расмини ишлаш.

Тузилиши ва шакли жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиладиган геометрик сиртларнинг қаламтасвирини ишлаш йўллари амалий равишда тушунтириш. Тўғри ва қия оғма чизиқлар ёрдамида штрихлаш орқали натуранинг шаклини ифодалаш малакаларини ўстириш.

Характерли ҳолатларда қўйилган натураларнинг қаламтасвирини чизиш учун энг қулай тасвирлаш нуқтасини тўғри танлашга ўргатиш. Оч ва тўқ штрихлаш орқали гипс шакллариининг ўзига хос тузилиши ва маконда жойлашган ўринларини ифодалай олиш малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот: Тўғри ва қия оғма чизиқлар ёрдамида штрихлаш орқали натуранинг геометрик шаклини чизиш.

6. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини қаламда чизиш.

Табиат манзарасининг бир бўлагини қаламда тасвирлаш малакасини назарий ва амалий жиҳатдан тарбиялаш. Уй ҳайвонлари, дарахтлар ва паррандалар расмини чизиш орқали манзарани жонлантириш. Бир-биридан тузилиши, шакли ва ранг туслари жиҳатидан кескин фарқ қилувчи натуралар ва объектларни тўғри тасвирлашга ўргатиш.

Амалий машғулот: Уй ҳайвонлари, дарахтлар ва паррандалар расмини чизиш.

7. Рангтасвир ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш.

Содда кўринишлардаги предметлар ва натуралар (содда тузилишдаги капалак, гултувак, гуллар ва ҳ.) нинг хомаки рангтасвирларини ишлаш тартиби.

Амалий машғулот: содда тузилишдаги капалак, гултувак, гулларнинг хомаки рангтасвирларини ишлаш.

8. Турли ҳашоратлар ва жониворлар (хонқизи, капалак, ниначи, декоратив балиқлар)нинг ранг тасвирини ишлаш.

Тузилиши ва ранг туслари жиҳатидан кескин жиҳатидан кескин фарқ қиладиган турли ҳашораталар. Жониворлар ва уларнинг ўзига хос тузилиши борасидаги назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини янада ривожлантиришни давом эттириш. Ўлчам жиҳатидан кичик бўлган ҳашоратларнинг майда қисмларини мўйқаламнинг учи ва бутун мўйна қисмини қоғоз сиртига босиш йўли билан ҳосил қилиш усулларини ўргатиш.

Амалий машғулот: Ўлчам жиҳатидан кичик бўлган ҳашоратларнинг майда қисмларини мўйқаламнинг учи ва бутун мўйна қисмини қоғоз сиртига босиш йўли билан чизишни ўргатиш.

9. Сувли бўёқлар ёрдамида ранг тусларининг оч ҳамда тўқ кўринишларини ҳосил қилиш ва декоратив панжарлар расмини бўяш.

Ўқувчиларнинг гризайл ишлаш малакаларини ривожлантириш. Бир рангнинг бир неча хил оч тусдаги кўринишларини ҳосил қилишда сув тўқ тусларини ҳосил қилиш учун эса бўёқ қўшиш лозимлигини амалий равишда кўрсатиб тушунтириш. Турли кўринишлардаги гипсдан ишланган декоратив панжараларнинг хомаки расмларини гризайл кўринишларда тасвирлаш тартиби.

Амалий машғулот: Сувли бўёқлар ёрдамида ранг тусларининг оч ҳамда тўқ кўринишларини ҳосил қилиш ва декоратив панжарлар расмини бўяш. Турли кўринишлардаги гипсдан ишланган декоратив панжараларнинг хомаки расмларини гризайл кўринишларда тасвирлаш.

10. Уй-рўзғор буюмларидан ташкил топган натюрмортнинг рангтасвирини ишлаш.

Уй-рўзғор буюмларидан ташкил топган натюрмортни тасвирлаш юзасидан ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмаларни янада такомиллаштиришни давом эттириш. Турли кўриниш ва шаклларга эга бўлган уй-рўзғор буюмларининг рангтасвирини ишлаш усулларини тушунтириш. Уч-тўрт хил натуралардан ташкил топган қўйилманинг ўзаро

боғлиқ ва фарқ қилувчи томонларини тўғри ифодалаш. Илик ва совуқ ранг тусларининг ўзаро ҳамоханглик сифатларидан самарали фойдаланиш.

Амалий машғулот: Уч-тўрт хил натуралардан ташкил топган қўйилманинг ўзаро боғлиқ ва фарқ қилувчи томонларини аниқлаш.

11. Акварелда қоғоз сиртини “хўллаш” усулида ранг тасвир ишлашни машқ қилиш (“Алла прима” методи).

Танланган объект ва натуранинг қаламтасвирини акварел бўёғида ишлашдан олдин тоза сув билан ювиб чиқиш. Бунда асосий эътиборни бир-бирининг устига қопланадиган ранг тусларининг тозалигини сақлай олишга қаратиш. Махсус планшетга тортилган қоғоздан фойдаланиш. Ювиш усулидан фойдаланишда ауварел бўёқлари билан ишлашда қўлланиладиган мўйқаламлардан фойдаланишни билиш. Кенг юзаларни бир текисда қоплаш учун (18-24 гача) катта ўлчамдаги мўйқаламлардан фойдаланиш. Унинг ингичка учи билан майда деталларга ишлов беришни билиш.

Амалий машғулот: Акварелда қоғоз сиртини “хўллаш” усулида ранг тасвир ишлашни машқ қилиш.

12, 14. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини акварел бўёқларида ишлаш.

Йил фаслларида кўра манзара ишлаш малакасини янада ривожлантириш. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини “оддийдан мураккабга” принципи асосида бўяш тартиби билан ўқувчиларни таништириш. Образлар ва объектлардаги оч ҳамда тўқ тусдаги жойларни мазоклар ёрдамида бўяш йўллариини ўргатиш. Акварел бўёғининг оч ва тўқ тусларини сув аралаштириш орқали ҳосил қилишни машқ қилиш. Манзарада қатнашаётган элементларни тўғри жойлаштириш ва натуранинг маконда жойлашаётган ўрнини ифодалай олишга ўргатиш. Уй ҳайвонлари дарахтлар ва паррандалар тасвирини қоғоз юзасида расамадиси билан жойлаштириш йўллариини ўзлаштириш.

Амалий машғулот: Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини акварел бўёқларида ишлаш.

13. Оралиқ назорат иши.

15. Чекланган ранглар билан рангтасвир ишлаш

Бунда тўғра аъзоларига маълум миқдордаги ранг туслари берилди ва ихтиёрий мавзудаги қўйилма рангтасвирини ишлаш таклиф этилади. Бундан мақсад бир ранг тусининг бир неча хил тусларини сув билан аралаштириш ёки бўёқни қават-қават қоплаш орқали оч ёки тўқ тусларини ҳосил қилиш йўллариини ўргатишдир.

Амалий машғулот: Бир ранг тусининг бир неча хил тусларини сув билан аралаштириш ёки бўёқни қават-қават қоплаш орқали оч ёки тўқ тусларини ҳосил қилиш.

16. Ранг тусларига кўра бир-биридан кескин (контраст) фарқ қиладиган буюмлардан тузилган натюрморт (мис обдаста, чинни чойнак, пиёла, пичоқ ва нон) нинг рангтасвирини ишлаш.

Ранг тусларига кўра бир-биридан кескин (контраст) фарқ қиладиган буюмлардан тузилган натюрморт тузиш учун натура танлаш. Уларни чиройли ва тўғри жойлаштириш орқали керакли кўринишларини ҳосил қилиш

Натураларни ўлчами ва мазмунига кўра тўғри жойлаштириш малакаларини янада ривожлантириш. Турли материаллардан ясалган буюмлар ва уларнинг ранглари ўртасидаги фарқларни тўғри топиш малакасини ўстириш.

Амалий машғулот: Ранг тусларига кўра бир-биридан кескин (контраст) фарқ қиладиган буюмлардан тузилган натюрморт тузиш.

17. Композиция ҳақида умумий тушунча. Берилган мавзуга кўра композиция мазмунини яратишни машқ қилиш.

“Ош масаллиғи” , “Паррандачилик фермасида” каби мавзуларга мос келадиган объектларнинг хомаки расмларини чизиш ва бўйаш. Хомаки расмлар асосида яхлит композиция тузиш устида машқ қилиш. Тўғрак раҳбари томонидан тавсия этилган композицион боғланиш устида ишлашни давом эттириш ва уни бўйаш.

Амалий машғулот: Композиция мазмунини яратишни машқ қилиш.

18. “Кузги ишлар” мавзуси асосида илиқ калоритда расм ишлаш.

Куз фаслида далада бажариладиган ишлар борасида тўғрак аъзоларига тушунча бериш. Танланган мавзуга мос келадиган композиция элементларини алоҳида-алоҳида чизиш ва уларни ўзаро боғлаш орқали чиройли композиция яратиш. Тузилган ва чизилган композиция тасвирини босқичлар асосида бўйаш. Илиқ ва совуқ ранг тусларидан ўз ўрнида фойдалана олиш малакасини янада ривожлантириш. Рангтасвирга илиқ калорит муҳитини бера олиш.

Амалий машғулот: Танланган мавзуга мос келадиган композиция элементларини алоҳида-алоҳида чизиш.

19. “Ўқувчининг иш ўрни” мавзусида расм ишлаш.

Ўқувчилар ҳар куни ўзлари дарс қиладиган иш жойларини диққат билан ва композиция тузишга мос келадиган кўринишни ҳосил қиладилар.

Амалий машғулот: Дастлаб хомаки расмини чизадилар. Турли кўриниш ва вазиятларнинг бир неча вариантларини чизиб кўрадилар. Энг чиройли кўриниш танланиб, композиция чизилади. Сўнг интерернинг рангтасвири ишланади. Бунда ташқаридан тушаётган ёруғликнинг хона ичида ўзига хос тарқалиш хусусиятига амал қилинади.

20. “Авазхон” , “Рустамхон” , “Алпомиш” дostonлари ёки ўзбек халқ эртагига иллюстрация ишлаш.

Ўзбек халқ эртаги билан яқиндан таништириш. Уларнинг мазмунига мос келадиган ранг калорити ва мазмунини топиш малакасини ривожлантириш. Афсонавий образларнинг ўзига хос жиҳатларини тасвирлашга ижодий ёндошиш малакаларини ўстириш. Ишлаган расмларида қадимий дунё кўринишларини акс эттира олишга ўргатиш.

Амалий машғулот: Танланган образларнинг қаламтасвирини чизиш ва хомаки рангламаларини бажариш орқали энг қулай композицияларни тузиш.

21. Эркин мавзуда расм ишлаш.

Амалий машғулот: Ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар, ҳаётий тажрибалари асосида ўзларига ёққан мавзуларда ижод қилиш.

20. “Қиш эртаги” мавзусида (совуқ колоритда) расм ишлаш.

Тўғарак аъзоларини қиш манзараси тасвирланган тасвирий санъат асарлари билан таништириш. Уларнинг мазмунини таҳлил қилиш орқали тўғарак аъзоларининг тушунчаларини янада бойитиш. Бунда афсонавий ёки ҳозирга замон қиш фаслини реалистик ёки декоратив тарзда ифодалашга ўргатиш. Қиш манзарасини тасвирлашда совуқ ранг тусларидан тушунган ҳолда фойдаланиш малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулот: “Аёз бобо расмлари” ҳақида суҳбат. Музлаган сув юзаларидаги, дераза ойналари сиртидаги чиройли “расм”ларни томоша қилиш ва хомаки расмларини чизиш.

22. “Янги йил базми” мавзусида композиция ишлаш.

Янги йилда кўчаларнинг безатилиши. Декоратив безаклар, Қорбобо, Қорқиз, арчалар. Қор ўйнаётган болалар. Қор босган далалар, дарахтлар. Совуқ ранг калоритида композиция ишлашга ўргатиш.

Амалий машғулот: Янги йил базмига оид композиция элементларининг қораламаси ва рангламаларини ишлаш ва улар асосида “Янги йил базми” мавзусида композиция тузиш.

23. “Наврўзнинг байрам қилиниши” мавзусида композиция ишлаш.

Наврўз байрами ва унинг моҳияти. Наврўз байрамида, йил фаслида рўй берадиган ўзгаришлар. Осмонда пайдо бўладиган булутлар. Одамларнинг байрамга тайёргарлик кўришлари. Наврўз байрамида умумхалқ ҳашарлари, кийим-кечаклар ва бошқалар. Энг чиройли топилган композицияни бўйлаш. Илик ва совуқ, тиниқ ранг тусларидан ўз ўрнида фойдалана олиш.

Амалий машғулот: Турли байрамонга кўринишларнинг хомаки расмларини чизиш.

24. “Баҳор” манзарасини ишлаш.

Баҳор фаслининг ўзига хос гўзаллиги, хислатлари билан тўғарак аъзоларини таништириш. Чизилган хомаки расмлар асосида яхлит композиция тузиш малакасини ўстириш. Илик ва совуқ ранг қарама-қаршиликларида тушунган ҳолда фойдаланиш малакасини ўстириш.

Амалий машғулот: Баҳор фаслига мос деталларнинг қоралама ва рангламаларини ишлаш.

25. Тарихий мавзуларда композиция ишлаш.

Тарихий воқеа-ҳодисалар ва шахслар борасида назарий билимлар бериш, тарихий образлар қатнашган композиция тузиш малакаларини янада ўстириш. Унда тарихий муҳитни акс эттириш учун танланган образлар, ранг туслари ва буюмлардан тушунган ҳолда фойдалана олиш малакасини янада ўстириш.

Амалий машғулот: Ўқувчилар ўзлари танлаган мавзунини янада ривожлантириш орқали самарали композиция мазмунини яратиш.

26. Тўғарак аъзолари ишлаган расмларни кўргазмага тайёрлаш.

Амалий машғулот: Ўқув йили давомида тўғарак аъзолари томонидан чизилган расмлар намойиши.

27. Яқуний назорат иши.

Фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар:

1. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 7-мх-сонли буйруғи.
3. Ҳ.Эгамов. Қаламтасвир, рангтасвир ва композиция тўғаракларининг дастури. Тошкент-2006.
4. Набиев М. Азимова Б. Расм чизишга ўргатиш методикаси. Тошкент. Ўқитувчи 1996.
5. Тен Н.Д. Гипс моделларининг расми ўқув қўлланмаси. Тошкент. Ўқитувчи-1994.
6. Амалий санъат қисқача луғати. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти.

Электрон манбалар:

1. “Ziynet”.uz.
2. Тасвирий ойна.@.ru.
3. Barkamol.uz